




## ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ, ХОТИРАСИ БОҚИЙДИР



Хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетақдор қирралари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Утганларнинг руҳини шод этиш, уларнинг хайрли ишларини, эл-юрт ва Ватан олдидаги жасоратини ёғди олмоқ халқимизга хос эзгу қадриятлардан биридир. Зеро, инсон хотира билан тирик, қадр билан улурдир.



Юртимизда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангҳоқлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадрият ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланаётгани бунинг яққол исботидир.

Дарҳақиқат, нурунийларга чуқур ҳурмат-эҳтиром фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Юртимизда ёш авлод улуғларимизга ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик руҳида тарбияланмоқда. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга, сажоват ва шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони кексаларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фахрийларимиз кўрсатган жасоратни улуғлаш борасидаги хайрли ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда истеъмолчилар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш натижасида уларнинг жадал ривожланиши жамият тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ҳамда иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлаёттир.

### Yangi qonun mohiyati

## Энергия таъминоти

Истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси янада кучайтирилди

Юртимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилгани ҳам айтиш мумкин. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари бу йўналишдаги ишловларнинг янги босқичини бошлаб берди.

(Давоми учинчи бетда)

### 2012-yil — «Mustahkam oila yili»

## Оила — давлат муҳофазасида

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий судида оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши кафолатларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатиде шу ҳақда сўз борди. Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар ва вилояти ҳокимликлари, фуқаролик ишлари бўйича судлар судьялари, прокуратура, адлия, хотин-қизлар қўмиталари, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари ходимлари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оилаларни ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Конституцияимизнинг «Оила» бобида оила жамиятнинг асосий бўлини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган.

(Давоми учинчи бетда)

### Fuqarolik qonunchiligi

## Кафиллик шартномаси

мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига хизмат қилади

Жамиятда иқтисодий омилларнинг ривож топишида, томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда шартномавий муносабатлар алоҳида ўрни тутади. Шундай шартномалардан бири — кафиллик шартномаси, деб аталади.

Кафиллик — қарздор мажбуриятларининг бажарилиши учун учинчи шахс сифатида жавобгар бўладиган ҳуқуқий муносабатдир. Мазкур ҳолатда «жавобгар бўлади» деган ибора фақат мулкий жавобгарликни назарда тутди ва у қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида кафилда жавобгарликни вужудга келтиради.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йил 27 май куни «Ўзсанотқурилиш-банк»нинг «Бунёдкор» филиали билан «Андишхоҳонақурилиш» масъулияти чекланган жамияти ўртасида кредит шартномаси тузилди. Ушбу шартномага қўра, «банк» қарз олувчинга уч йил муддатда «қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун даст-гоҳлар сотиб олиш» мақсадида йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан 90 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

### Sabiq

## Мулк ҳуқуқи — дахлсиз

бинобарин, унга путур етказиш жавобгарликка сабаб бўлади

Айтиш керакки, миллий қонунчилигимизда мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кафолати ўзининг аниқ ифодасини топган. Жумладан, Конституцияимизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, шунингдек, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги, мулкдорнинг фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина мулкдан маҳрум этилиши белгиланган.

(Давоми иккинчи бетда)

### Huquqiy ma'rifat

## Апостиль қўйиш тартиби

у қандай тарзда амалга оширилади?

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим ва фан соҳаларида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Фуқароларнинг чет элдаги меҳнат фаолияти тартибининг ҳам аниқ мезонлари белгиланди. Бу ўз навбатида, ваколатли давлат идораси томонидан чет элда фойдаланиш мақсадида бериладиган расмий ҳужжатларни даврга мослаштиришни, замон талаблари даражасида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 5 июлда қабул қилинган «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қондаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу жараёнда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этиламоқда.


### «Umid nihollari — 2012»

## Навқирон, шижоатли ва билимдон ёшлар

уларнинг камолотга эришишида спортнинг ўрни беқиёс

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида юзлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. Биргина 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорт объектлари, мусика ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилди. 214 объект, шу жумладан, 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми учинчи бетда)



### Mulohaza

## Ердан оқилона фойдаланайлик

зотан, бу борада қонун талабига оғишмай амал қилиш муваффақиятларни таъминлайди

Мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларида она ер неъматларидан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар батафсил баён этиб берилган.

Мазкур ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга қўра, ерга оид қонун ҳужжатларидан қўзланган асосий мақсад — мавжуд ер захираларидан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатларини назарда тутган ҳолда, илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш, уни

муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, ҳўжалик юритишнинг барча шакллариини тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари негизинда ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида тартибга солиш ва бу соҳадаги қонунчиликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

(Давоми иккинчи бетда)

Sabotq

# Мулк ҳуқуқи — дахлсиз

## бинобарин, унга путур етказиш жавобгарликка сабаб бўлади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Дарҳақиқат, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган кучли, барқарор иқтисодий шакллантириш жараёнида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, шу жумладан, мулк ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки иқтисод ривожлангани сари фуқароларнинг яшаш шароити торабора фаровонлашиб, мулкдорлик даражаси ортиб боради.

Бироқ ҳаётда ҳамма ҳам бирдек мулкка нисбатан қонуний муносабатда бўлмайди. Аниқроқ айтганда, айрим кимсалар турли йўллар билан ўзгаларнинг мулкни қўлга киритиш пайида бўлади. Фирибгарлик, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жинояти иқтисодий барқарорликка жиддий ҳавф тугдиради, шунингдек, фуқароларнинг қонуний манфаатларига ҳам путур етказиши.

Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу турдаги жиноий қилмишларнинг янги кўринишлари, усуллари пайдо бўлаётгани, бинобарин, уларга мантӣқий, назарий ва қонуний баҳо беришда айрим саволлар туғилаётгани боис Олий суд Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёт тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу Пленум қароридида фирибгарлик жиноятининг ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг бошқа шакллари билан фарқи ўзгалиги мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончли суиистеъмо қилиш йўли билан ҳақ тўламай, текинга эгаллашда намоён бўлиши кайд этилган. Шунингдек, «амалиётда» фирибгарлик жиноятининг ўғирлик, тевламачилик ва бошқа иқтисодий соҳадаги жиноятлардан, шу жумладан, ўзгалининг мулкни талон-торож қилишнинг бошқа шакллари билан фарқлари, фирибгарлик жиноятининг тугалланган пайти аниқлаш учун зарур бўлган ҳолатлар, ижтимоий тўлов, нафақа ва бошқа пул тўловларини ноқонуний олиш билан боғлиқ ҳаракатларни квалификация қилиш борасида айрим тушунмовчиликлар бор эди. Пленум қароридида ушбу масалаларнинг барчаси бўйича раҳбарий тушунтиришлар берилгани амалиётда қўл келмакда.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратсак. Суднинг 2010 йил 18 июндаги ҳукмига асосан, Д.Қобилов Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Аниқлашчи, Д.Қобилов 2007 йилнинг сентябр ойидан то 2009 йилнинг июнь ойига қадар фуқаролар Б.Каримов, Л.Азизова, Т.Салимовларни чорва моллари олиб бериш ва боқиб, бугдой олиб бериш сингари ваъдалар билан алдаб, уларнинг 1 650 000 сўмлик моллини, 1 740 000 сўм пулини, 400 АКШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Аслида, ўзгалининг ҳақиқа хидмат қилиш энг оғир гуноҳлардан бири саналади. Шу боис ҳам «Бировнинг ҳақи ўзгага буқюрмайди» каби пурҳикмат мақолларда омонатнинг муқаддаслиги, киши ўз ҳақини қанчалик ҳимоя қилса, бошқаларнинг ҳуқуқига ҳам шунчалик ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозимлиги уқтирилади.

Кези келганда эътиборингизни яна бир муҳим нуктага қаратмоқчимиз. Маълумки, мамлакатимиз истиқлол йилларида, барча соҳаларда бўлгани каби, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли илоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, 2001 йил 29 августдан кучга кирган «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қў-

шимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Зотан, ушбу қонунга биноан, бир қатор иқтисодий жиноятлар, шу жумладан, фирибгарлик жинояти бўйича етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо қўлланилмастлиги белгиланди. Мазкур ўзгартириш Жиноят кодексининг 168-моддасида ҳам акс этди. Бу борада Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қароридида ҳам батафсил раҳбарий тушунтиришлар берилди.

Шу маънода Д.Қобиловнинг ҳам айбига иқдор бўлиб, етказган зарарларини, жумладан, Л.Азизовага 1 438 720 сўм, Б.Каримовга 1 100 000 сўм, Т.Салимовга 310 000 сўм тўлаганининг инобатини олиниши унинг ўзи учун катта аҳамият касб этди. Зеро, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан унга нисбатан тайинланган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан, Д.Қобиловнинг 2010 йил 30 мартдан бошлаб қамоқда сақланган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч қунига тенглаштирилиб, жазони тўлиқ ўтаган деб ҳисобланди ва унинг дарҳол жазони ўташ жойидан озод этилиши ақриқда кўрсатилди.

Маълумки, мулк ҳуқуқи дахлсизлигига путур етказувчи яна бир жиноят тури бу — ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятидир. Ушбу ноқонуний хатти-ҳаракат учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 167-моддасида назарда тутилган бўлиб, жиноят аксарият ҳолларда айбдорнинг ўзига ишониб топширилган ваколатли суиистеъмо қилиши билан содир этилади.

Шу ўринда бевосита мисолга мурожаат этадиган бўлсак, суднинг 2009 йил 7 апрелдаги ҳукми билан Б.Қодиров Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми бир қатор бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга нисбатан тегишли жазо тайинланган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, Б.Қодиров «Пахтабанк»нинг кредит бўлими мутахассиси бўлиб ишлаган даврда банк бошқарувчиси Ҳ.Жонибеков, иқтисодий бўлим бошлиғи Т.Ашуров, бош ҳисобчи Ш.Каримов ҳамда А.Эргашев билан ўзаро тил бириктириб, жиноятга қўл урган. Б.Қодиров ўзига ёрдам сўраб келган таниши А.Эргашевга «яхшилик» қилиш мақсадида ноқонуний равишда фуқаролар З.Ботирова ва Л.Ботированинг номига 2980,0 минг сўм микрокредит ажратиб, ушбу маблағни талон-торож этган.

Суд ҳукми билан айбдорларга қонуний жазо чораси тайинланди.

Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш керакки, Асосий қонунимизнинг 54-моддасида мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги белгиланган. Бинобарин, қонунга зид хатти-ҳаракат ҳуқуқларини сингари, қонун билан қафолатланган мулк ҳуқуқини бузиш, унга путур етказиш ҳам, албатта, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, фақат қонунга риоя этиш, белгиланган тартиб-қоидаларга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик муваффақият гарови, тинчлик-хотиржамлик омили эканлигини унутмайлик.

**Абдумажид УРАЛОВ,**  
Олий суд судьяси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бугунги кунда пойтахтимиздаги уруш қурбонлари хотирасига бунёд этилган Хотира майдони кенг жамоатчилигимиз мунтазам ташриф буюрадиган табаррук зиратгоҳлардан бирига айланди. Жанггоҳларда жон фидо этган ватандошларимиздан қарийб 400 минг нафардан ортининг номлари «Хотира китоби»нинг зарҳал варақларига мангу муҳрланган.

Хотира майдонида қадам қўйган кишини ўтмиш ҳаёллари чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзиди мужассам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбиди шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради. Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўяётган ҳар бир инсон бузғунчилик, уруш ва қабоҳатни қоралаб, бугунги доруламон кунларга шукрона келтиради. Зеро, мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик боис шаҳар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва равон йўللар, бог ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган кудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Ана шундай фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин, дея ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини кенг миқёсда нишонлашимиз. Бундай тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтади. Бундан кўзланган асосий мақсад — кекса авлод вакилларига алоҳида эътиром ва

9-may — Xotira va qadrlash kuni

# Инсон қадри — улуг, хотираси боқийдир



гамхўрлик кўрсатиш, ёшларимизни миллий қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга садоқат руҳида камол топтиришдир. Шу кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда бу эзгу ниётлар қўлланмоён бўлаётди. Хусусан, Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида «Нуроний ниёти — ёш авлод камолоти» мавзуйида учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Ёлғиз кексалар, ногиронлар

ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида 676 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари, биз, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрликдан ниҳоятда мамнунмиз, — дейди Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида яшовчи Набижон ота Бекбоёв. — Айниқса, кўрсатилаётган моддий ва маънавий

ёрдам, ижтимоий-тиббий кўмак учун Ўртбошимиздан миннатдоримиз. Бундай эътибор кўнглимизни тоғдек кўтармоқда. Пойтахтимизнинг Миробод туманида истиқомат қилаётган Халил ота Жалилов ҳам машаққатли уруш даврида олий маълумотга эга бўлиб, фронтга тайёр мутахассис бўлиб кетганлардан бири. Унинг тиббиёт соҳасидаги билим ва кўникмалари нафақат фронтда, балки урушдан кейинги йилларда ҳам одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ва

уларнинг соғлигини асрашда кўп асқотди.

— Шундай дориломон кунларга етганимдан ниҳоятда бахтиёрман, — дейди Халил ота. — Мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаёт ҳукм сурмоқда, оилалар фаровонлиги ошмоқда, ёшлар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Юртбошимиз томонидан биз, фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрликдан бениҳоя мамнунимиз.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кекса авлод вакилларига алоҳида эътиром ва гамхўрлик кўрсатилаётгани ёшларимизнинг миллий қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга садоқат руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасоратга йўғрилган ҳаёт йўли, кўплаб фахрийларимизнинг фидокорона меҳнати ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилаётди.


Кексалари эъзозланган юрда тинчлик бўлади, ундан файзу барака аримайди. Зеро, шукроналик билан яшамок — олий незмат, улуг саодатдир. Шу маънода муътабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш кишига куч-қувват бағишлайди, руҳини поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

**Дилшод ИСМОИЛОВ**

*Huquqiy ma'rifat*

## Апостиль қўйиш тартиби

### у қандай тарзда амалга оширилади?



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**  
Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги қарори 1-иловасига асосан «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди ва ушбу ҳужжат жорий йилнинг 15 апрелидан бошлаб кучга кирди.

Айтиш керакки, ушбу Низом республикамиз ҳудудидида тузилган расмий ҳужжатларга махсус штамп «Apostille» — апостиль қўйиш тартибини белгилаб беради. Ҳўш, апостиль ва апостиль қўйиш деганда нималар тушунилади?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, апостиль — махсус штамп. У ҳужжати имзолаган шахснинг имзоси, шу ҳужжати тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга мувофиқ берилаётган расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйилади. Ҳўш, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, апостиль қўйиш ушбу ҳужжати имзолаган шахснинг имзоси, муҳр ёки штамп изи ҳақиқийлигини тасдиқлашнинг расмий тартиб-қоидадир.

Шунингдек, апостиль қўйиш тартибидида «юлдузча» ҳам мавжуд. «Юлдузча» — ҳужжат варақлари мах-

камланадиган жойга ёпиштириладиган ҳамда апостиль қўйган ваколатли давлат идорасининг гербли муҳри босиладиган қалин қоғоз. Апостиль шакли ўзбек ёки инглиз тилида тўлдирилади. У қўйилганидан сўнг қўшимча равишда тасдиқлашни талаб этмайди.

Низомнинг 5-бандида қайд этилганидек, чет элда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ёки консуллик муассасалари томонидан тайёрланган ҳужжатларга, харбий билетга апостиль қўйилмайди. Бундан ташқари ҳужжат тақдим этиладиган давлатда амал қиладиган қонунлар, қоидалар ёки урф-одатлар ёхуд икки ёки бир неча ахдлашувчи давлатлар ўртасидаги ахдлашув ҳужжатини легаллаштиришни соддалаштирса ҳам апостиль талаб қилинмаслиги мумкин.

Расмий ҳужжати апостиль қўйиш учун тақдим қилган шахс ариза берувчи ҳисобланади. Аризаси кўриб чиқилганлиги учун ундан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизи миқдоридида йиғим ундирилади. Апостиль қўйиш учун мурожаат қилган давлат органи ёки бошқа давлат ташкилоти йиғим тўлашдан озод этилади. Расмий ҳужжатлар апостиль қўйиш учун асл нусхаларда ёки ариза берувчининг хоҳиши билан нотариал ҳолда қабул қилинади.

Низом талабига мувофиқ, ваколатли давлат органининг апостиль қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

**Максуд ҚУРБОНОВ,**

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходими

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шу ўринда мамлакатимизда ерга тааллуқли муносабатларни тартибга солувчи Ер кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ри-вожланган давлатларнинг ушбу йўналишдаги қонунчилик тажрибаси ва амалиётини ҳисобга олган ҳолда яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳужжатларда фуқаролар, давлат идоралари ва барча юридик субъектларнинг ерга муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, Ер кодекси меъёрларини суд амалиётида қўллаш, ердан фойдаланиш билан боғлиқ низоларни ҳаққоний ва адолатли ҳал этишда Олий суд Пленуми томонидан 2006 йил 3 февралда қабул қилинган қарор ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарорда жисмоний ва юридик шахсларнинг ерга оид ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя

қилиш судлар олдидаги энг муҳим вазифа эканлиги алоҳида қайд этилган. Шунингдек, Ер кодексининг 91-моддаси 3-қисмига мувофиқ, давлат ҳисобидидаги ер участкаси ўзбошимчилик билан эгаллаб олинганда, уни қайтариб олиш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига кўра, юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли ер участкаси ўзбошимчилик билан эгаллаб олинганда, ижарачи ёки мулкдорига қайтариш эса, суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди ва унинг турли инстанцияларида ўтган йили ер низоларида оид 22 та иш кўриб чиқилди. Эътиборли жиҳати шундаки, унинг 19 таси қонун талабига мувофиқ даъвогарлар фойдасига ҳал қилинди. Бу факт фуқароларнинг судга асосли равишда, фактлар, далил ва ҳужжатларга сўянган ҳолда ва қонуний тарзда мурожаат қилаётганлиги, ҳуқуқий билим ва са-

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Кредитнинг таъминоти сифатида гаровга Жамшид Хомилова тегишли экскаватор, Аюбон Абдуллаева тегишли экскаватор, Одинахон Бузриқовага тегишли юк автомашинасини қўйилган.

Бирок кредит олувчи зиммасидидаги мажбуриятларни бажарма-

ундириш ҳақида қарор чиқарилди. Ундирув, албатта, жавобгар «Андшоҳонақурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулкларига ҳамда кафили сифатида жавобгар Ж.Хомилов, А.Абдуллаев, А.Бузриқоваларнинг гаровдаги мол-мулкига қаратилди.

Ҳа, тузилган ҳар бир шартнома оддий қроғ эмас, балки ўзига хос

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Кафиллик шартномаси

### мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига хизмат қилади

гани банкнинг унга қарши даъво қўзғашига сабаб бўлди. Аниқроқ айтганда, фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро суди томонидан даъвогар «Ўзсаноатқурилишбанк» «Бунёдкор» филиалининг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар «Андшоҳонақурилиш» масъулияти чекланган жамияти кредит шартномаси шартларини бузганлиги, шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги инобатга олиниб, кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинди. Даъвогар фойдасига жавобгардан солидар тартибда жами бўлиб 104.660.497 сўм қарздорлиқни

юридик кучга эга ҳужжатдир. Юқоридидаги ҳолатда шартнома аслида лағз эканини унутган «Андшоҳонақурилиш» масъулияти чекланган жамияти масъул ходимлари нафақат ўзлари, балки туманга ишонч билдириб, кафилик берган танишларини ҳам қийин аҳволда қолдиришди. Бундан қуриндики, кафилик шартномаси ҳам катта масъулият. Шундай экан, уни тузишдан олдин оқибатини жиддий ўйлаб кўриш фойдадан холи бўлмайди.

**О. БАРАКАБАЕВ,**

Фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг раиси вази фасини бажарувчи

*Mulohaza*

## Ердан оқилона

да ўзининг қонуний яқунини топди. Даъвогар биринчи босқич судининг аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги ажримга эътироз билдирадиган экан, низоли ер майдони 1991 йилдаёқ туман ижрокўмининг 44а/4-сонли қарорига мувофиқ ўзига ажратиб берилганлиги, аммо кейинчалик у жавобгар Худойберганов томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинганлиги ва бу ерда иморат ҳам қурилганини таъкидлаб, уни ўз эгаллигига қайтариш, бинонини эса, буздириш ташлашни сўраган. Жавобгарнинг ҳам ўз авваллари бор эди, албатта. Жумладан, у мазкур ер майдони ўзига тегишли эканлигини таъкидлаб, судга унинг «ким ошди» савдоси орқали эркин сотиб

олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этди. Афсуски, бу каби ишончли далил ва ҳужжатлар даъвогар томонидан тақдим этилмади. Дастлабки босқич суди шуни назарда тутиб, даъвогар Г.Қурбоновага низоли ер участкасини ўз номига давлат рўйхатидан ўтказган, мурожаат қилиш мумкинлигини тушунтирди. Суднинг бу хулосаси ушбу инстанция томонидан 2011 йил 4 октябрда чиқарилган ажримда ўз ифодасини толган. Ишнинг шу важдан кўрилмади қолгани, афсуски, даъвогарни қаноатлантирмади. Шу ўринда масаланинг моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш керак бўлади.

«Давоми. Бошланиши биринчи бетда»

Олий Мажлис Сенати томонидан жорий йилнинг 23 март куни маъқулланган, 2012 йил 21 апрелда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам бу соҳада амалга оширилган ислохотларнинг маънавий давоми бўлди. Ушбу қонун билан Фуқаролик кодексининг 477-моддаси биринчи қисмига ўзгартиш киритилди. Мазкур мезёр тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини давлатимиз томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинди. Чунки унда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш юзасидан мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлиги янада оширилди. Хизматлар кўрсатишни асоссиз равишда тўхтатиб туришдан кўрилган зарарни ва олинмай қолган, бой берилган фойдани улардан ундириш механизми таъминлаштирилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур қонун қабул қилинганда фақат энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки ло-

зим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу тўғрисида қилинган ҳақиқий зарарни қоплаши назарда тутилган эди. Аммо бу

ладан, ўтган 2011 йилнинг август-сентябрь ойларида адлия идоралари томонидан республика бўйича 145 та электр энергияси таъминоти корхоналари фаолиятида истеъмолчилар би-

мамакатлар қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, қонунчиликка ўзгартиш киритилди. Фуқаролик кодексининг 14-моддасида зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бу-

ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу тўғрисида қилинган зарарнинг, абонент эса, етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт» деган янги таъриф баён этилди.

Демак, эндиликда энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергия таъминотида асоссиз содир бўлган узлишлар оқибатида етказилган ҳақиқий зарар билан бир қаторда, шу тўғрисида бой берилган фойдани ҳам ўрнини қоплаши қонунда қатъий белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 477-моддасига киритилган ўзгартиш, биринчидан, тадбиркорлик субъектларининг энергия таъминоти бўйича бугунги кунда дуч келаётган муаммоларни бартараф этишни таъминлайди, иккинчидан, энергия таъминоти шартномаси асосида энергия етказиб беришда таъминотчи корхоналарнинг шартнома интизоми, хусусан, шартнома бўйича белгиланган мажбуриятлари юзасидан масъулиятини янада оширади.

**Зокиржон ЯКУБОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинг институти етакчи илмий ходими

Yangi qonun mohiyati

Энергия таъминоти



истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси янада кучайтирилди

каби қонун ҳужжатлари бўлсада амалиётда ушбу соҳадаги шартномавий муносабатлар, яъни шартномалар тузилиши ва бажарилишида бир қатор қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйилаётгани аниқланган. Жум-

лан тузилган 549 та шартноманинг қонунийлиги ўрганилганда, тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги белгиланиши бўйича 13 мингдан ортиқ камчилик мавжудлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам хорижий

зилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёхуд шикатланиши, шунингдек, бу шахс ҳуқуқлари бузилмаганда одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин оломай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилиши белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 477-моддаси биринчи қисмига, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот шу тўғрисида зарар ва бой берилган фойдани қоплаши назарда тутувчи ўзгартиш киритилди.

Ушбу ўзгартиш «Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган

«Umid nihollari — 2012»

Навқирон, шижоатли ва билимдон ёшлар

уларнинг камолотга эришишида спортнинг ўрни бекиёс

«Давоми. Бошланиши биринчи бетда»

Аниқ мақсадга йўналтирилган бу эзгу сай-харажатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шугулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада Ўзбекистон байрогини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ гурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифини ўтамоқда. Хар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқро майдонларда она-Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.

Улар орасида навоийлик спортчи ёшларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Масалан, спортнинг нафис тури — бадий гимнастика юдузлари — Жамила Раҳматова, Уляна Трофимова, Зарина Курбонова, Феруза Аминова турли нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Оғир атлетика бўйича икки карра Осиё чемпиони Махлиё Тоғаева, «Самбо» кураши бўйича Осиё чемпионати кумуш медали совриндори Маф-

туна Эсонова, қиличбозлик бўйича кумуш медал совриндори Игорь Князев, Осиё чемпионатининг сузиш бўйича мусобақаларида шахсий биринчилиқда олтин медални қўлга киритган Даниил Тулупов ва дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган нуфузли халқро мусобақаларда кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган юзлаб совриндорларни фахр билан тилга олесак арзийди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган спорт мусобақалари ёш авлодни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутуши билан бир қаторда, уларнинг тажрибасини оширишга, ўз иқтидорларини кенгрок намоён қилишга хизмат қиладиган маҳорат мактаби вазифини ўтаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида оммавий спортни ривожлантириш тизимини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган «Умид ниҳоллари» спорт беллашуви ёшлар ҳаётида унутилмас из қолдираётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Жорий йилда умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари ўртасида «Умид ниҳоллари — 2012» Республика спорт мусобақалари финал босқичи Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Бундай нуфузли мусобақаларнинг вилоятимизда биринчи марта ўтказилаётгани навоийликларга

ифтихор бағишлаш билан бир қаторда зиммасига улкан масъулият ҳам юкляди. Шу боис спорт мусобақалари ўтказиладиган Навоий шаҳри кундан-кунга чирой оцаётди.


— Мазкур спорт бахсларида мамлакатимиздаги 16 ёшгача бўлган ўқувчилар иштирок этиб, спортнинг 12 та тури бўйича беллашади, — дейди биз билан суҳбатда «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақалари Марказий штаби бошлиғи ўринбосари Собиржон Ҳайдаров. — Мусобақаларга ҳар бир вилоятдан 143 нафардан спортчи — мурабийлар ва ҳакамлардан иборат жамоа, жами 1623 нафар ёш спортчилар делегацияси, оммавий ахборот воситалари ходимлари, бадий гуруҳлар ҳамда меҳмонлар келиши кутилмоқда.

Ушбу мусобақаларнинг энг асосий қисми Навоий шаҳридаги замонавий, 10 мингдан зиёд томошабинни сиғдира оладиган марказий стадионда бўлиб ўтади. Айни кунларда қиймати 23,5 миллиард сўм бўлган мазкур стадион қирилишида охири пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари ниҳосига етказилмоқда.

— 14 гектар майдонда олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳақиқатан ҳам, кенг кўламли, — дейди курилиш ишларини амалга ошираётган Бухородаги 20-трест 17-вакиллик бўлими бошлиғи Абдулла Пўлатов. — Ҳозирда 650 нафардан зиёд қурувчилар 2 сменада иш олиб бормоқда. Машъала ёритиладиган мосламалар тайёр. Ёриткичларни ўрнатиш, Германиядан келтирилган югуриш йўлакчаларини жойлаштириш ишлари авжида. Жаҳон андозларига мос мазкур стадионда саккизта югуриш йўлакчалари мавжуд.

Бир вақтнинг ўзиде стадион ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Умид ниҳоллари бўлиб қадалган дархат қўчатлари, анвойи гуллар киши кўзини қувонтиради.

Нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсидаги спорт беллашувларига бир



неча бор мезбонлик қилган Навоий конметаллургия комбинатида қарашли Спорт саройида ҳам «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик ниҳоятда қизини.

— Германиядан келтирилган баскетбол шитлари, янгиланган ўриндиқлар тайёр, — дейди Спорт саройи директори вазифини бажарувчи Равил Усмонов. — Бундан ташқари шахмат мусобақалари ҳам бизнинг саройимизда ўтказилади. Бунга ҳам тайёрмиш. «Дельфин» сузиш ҳавзасини қайта реконструкция қилинмоқда. Бу ерда нафақат сузувчилар, балки томошабинлар учун ҳам барча қулайликлар яратилапти. Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 8 йўлли сув ҳавзасини таъмирлаш мақсадида Навоий кон-металлургия комбинати ҳисобидан 1,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Мусобақаларни оммавий ахборот воситаларида ёритишни тезкор ташкил этиш мақсадида «Ўзбектелеком» АК Навоий филиали томонидан телефон ва интернет хизматлари таъминланиши йўлга қўйилган.

Ириқ санаот корхоналаридан бири саналган «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Кимёгар» стадиони эса, футбол ишқибозлари ва кўл тўпи мухлислари билан гавжум бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, мусобақани ўтказиш учун кўзда тутилган барча вази-фалар айна пайтда ниҳосига етказилмоқда. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари Навоий шаҳрини янада гўзаллаштирган бўлса, юрагида юртга муҳаббат, галабага бўлган ишончи жўш ураётган ўқувчи-ёшларнинг бу ерга ташрифи уни янада обод ва навқирон гўшага айлантиради.

**Маруза ҲОСИЛОВА,**  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси



фойдаланайлик

зотан, бу борада қонун талабига оғишмай амал қилиш муваффақиятларни таъминлайди

Айтиш керакки, Ер кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи бевосита ўз жойида чегаралар белгилангани, ер майдонига оид чизма ва тавсифлар тайёрлангани ва унда ақс этган ҳудудга бўлган эгаллик ҳуқуқи давлат рўйхатига олинганидан сўнг вужудга келади. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 2-банди аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса, суд уни кўрмасдан

қолдириши, мазкур кодексининг 99-моддаси 1-қисмида эса, муружатни кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф қилинганидан кейин манфаатдор шахс томонидан берилган ариза умумий тартибда кўриб чиқи-лиши қайд этилган. Шу маънода юқоридаги ҳолатда дас-тлабки босқич суди қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогарнинг аризасини кўрмасдан қолдирган. Бинобарин, суд давлат рўйхатидан ўтказилма-ган, эгаллик ҳуқуқини тасдиқ-

ловчи гувоҳнома берилмаган ер участкасини, гарчи ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлса-да, бировнинг мулк-бесоти сифатида эътироф этишга ҳақиқ эмас ва шу юза-сидан берилган аризалар қонун талабига мувофиқ теги-лишли ҳужжатлар мавжуд бўлсагина кўриб чиқилади.

Айтиш керакки, даъвогар, урганчи Сайёра Отажоновна ва жавобгар Мўмин Дўстқоновлар ўртасидаги низода бу каби хо-длатлар кўзга ташланмайди. Суд ҳужжатларида қайд қилиниши-

ҳужжатлар ўз вақтида расмий-лаштирилганини таъкидла-ди. Суд айнан ана шу ҳужжат-ларни, ишончли далиллар ва ал-батта, қонунчилигимиз талаб-ларига суянди. Шунга кўра, ер-нони 448 квадрат метр ер май-донни ажратиб берилган. Ора-дан кўп ўтмай бу майдоннинг 115 квадрат метрини М.Дўстқо-нов эгаллаб олган ва иморат қурган. М.Дўстқонов суддаги кўрсатмасида ҳоким қарорига биноан дўкон қуриш учун 200 квадрат метр ер майдони ўзига ажратиб берилгани, аммо маз-кур ҳудуд бўйлаб юқори куч-ланишли электр тармоғи тор-тилгани, уни ўз кучи ва маб-лағи эвазига бундан жўйга кўчиргани, туман архитектура-чи ходими Б.Раҳимов ер май-донни чегарасини шахсан ўзи аниқлаб бергани, С.Отажон-овага тегишли ҳудудни беру-хсат эгаллаб олганини қайд этди. Судга тақлиф этилган ҳокимият вакили эса ер асли-да С.Отажоновнага тегишли эканлиги, буни тасдиқловчи

ҳужжатлар ўз вақтида расмий-лаштирилганини таъкидла-ди. Суд айнан ана шу ҳужжат-ларни, ишончли далиллар ва ал-батта, қонунчилигимиз талаб-ларига суянди. Шунга кўра, ер-нони 448 квадрат метр ер май-донни ажратиб берилган. Ора-дан кўп ўтмай бу майдоннинг 115 квадрат метрини М.Дўстқо-нов эгаллаб олган ва иморат қурган. М.Дўстқонов суддаги кўрсатмасида ҳоким қарорига биноан дўкон қуриш учун 200 квадрат метр ер майдони ўзига ажратиб берилгани, аммо маз-кур ҳудуд бўйлаб юқори куч-ланишли электр тармоғи тор-тилгани, уни ўз кучи ва маб-лағи эвазига бундан жўйга кўчиргани, туман архитектура-чи ходими Б.Раҳимов ер май-донни чегарасини шахсан ўзи аниқлаб бергани, С.Отажон-овага тегишли ҳудудни беру-хсат эгаллаб олганини қайд этди. Судга тақлиф этилган ҳокимият вакили эса ер асли-да С.Отажоновнага тегишли эканлиги, буни тасдиқловчи

**Отабек МАТКАРИМОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Оила — давлат муҳофазасида

«Давоми. Бошланиши биринчи бетда»

Бу халқро ҳуқуқ нормалари-га тўлиқ мос. БМТ томонидан қа-бул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида оила-нинг давлат муҳофазасида бўли-ши давлатлар зиммасига юкла-тилган муҳим вазибалардан бири эканлиги алоҳида қайд этилган.

Бош қомусимиз асосида қабул қилинган Оила кодекси, эллик-ка яқин қонун, Президентимиз-нинг кўплаб фармон ва қарор-ларида оила билан боғлиқ му-носабатлар ўз ифодасини топ-ган. Улардаги зиммасига юкла-тиш эр-хотиннинг тенглиги, ота-она-нинг вояга етмаган фарзандлар тарбиясидаги мажбуриятлари, вояга етган болаларнинг ота-оналарга гамхўрлик қилиш масъ-улиятига оид нормалар, оила-ларни, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг самара-ли механизмлари ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётди.

«Мустаҳкам оила йили»

Давлат дастурида соҳага оид қатор қонун ҳужжатларини яна-да тақомиллаштириш вазибаси белгиланган. Жумладан, яқинда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани оилалар фаровонли-ги, иқтисодий барқарорлигини таъминловчи яна бир муҳим ҳу-қуқий асос бўлди.

Давра суҳбатида ёш оилалар-га эътибор қилиш қўлайлиги кучай-тириш, уларни ҳуқуқий ва ижти-моий ҳимоясини таъминлаш, моддий ва маънавий рағбатлан-тириш борасида суд, адлия идо-ралари, хотин-қизлар кўмитала-ри ҳамда бошқа тегишли таш-килотлар олдида турган вазиба-ларнинг ижросига оид масалалар атрофида муҳима этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Респу-бликаси Бош вазирининг ўрин-босари, Республика хотин-қиз-лар кўмитасининг раиси Э.Бо-ситқонова иштирок этди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**  
ЎА муҳбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Мен бир ташкилотда ишлар эди, яқинда ишдан бўшадим. Айтинг-чи, менга ишдан бўшатиш нафақаси бериладими?  
**И.НОСИРОВ,**  
Жиззах тумани

— Сизнинг бу саволингизга амалдаги Меҳнат кодексининг 109-моддасидан жавоб топиш мумкин. Жумладан, унда таъкидланиши-ча, меҳнат шартномаси бекор қилинган куйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:  
— иш бевуқининг ташаббуси билан (ҳодим ўзининг меҳнат ва-зибаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қили-ниши бундан мустасно);  
— тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу кодекснинг 106-моддаси 1- ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан. Меҳнат шартномаси ушбу кодекснинг 106-моддаси 4-бандига би-ноан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ҳодимнинг айби бу-илан бузилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки му-айян фаолият тури билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳока-зо) бундан мустасно;  
— ҳодим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли.  
— Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Ehtiyot bo'ling, firibgar!

Эгри йўлнинг адоғи

Суд очерки

«Ҳақиқий бойлик — кўнглининг тўқлиги», — дейди кўпни кўрган кексалар. Дарҳақиқат, қаноатли киши учун тинчлик-хотиржамлик, сўхта-саломатлик энг катта бойлик-дир. Аксинча, қаноатсиз, сабрсиз кимсага нафис ҳеч қачон тинчлик бермайди. Шу боис ҳам бундай нусхалар меҳнат-сиз бойишни, бировнинг ҳақини умариб бўлса-да, ҳамёнини тўлдиришни ўйлайди. Умар ҳам шундай тонфадан эди.

Унинг ҳалол ишга, пешона тери тўкиб меҳнат қилишига бўйни ер бермасди. Кунларнинг бирида у таниши Хасанни учра-тиш қолди-ю, қувониб кетди.

— Биласаними, — деди у Хасан-ни четга тортиб. — Яқини бир им-коният чиқиб қолди. Танишлар-римдан бири агар ўн минг АҚШ долларини топсанг, айлантириб, қолта физио билан қайтариб бе-раман, деяпти. Аммо менда бун-ча пулнинг ўзи йўқ. Ҳатто гаров-га бирор мулкни қўйсам, қарз бе-риб турадиган танишим ҳам бор. Лекин ўзингга маълум, мулким ҳам йўқ. Аммо олам билан поч-ча қонуний сотиб, ҳовли олиш та-раддудида юрибди. Қанийди, улар уйини гаровга қўйишса-ю, ўша пулни бир айлантириб ол-сак, мен ҳам фойз олардим, улар ҳам фойда қўради.

— Хўш, бунга менинг нима ало-қам бор? — сўради Хасан. Асли-да у: «Умар мендан қарз сўраш учун гапни узоқдан бошлаяпти», деган ўйда ундан қандай қилиб қутулишни ўйлаётганди.

— Хасан, жўра, отангининг чой-хонаси бор, — дея мақсадга кўнди Умар. — Тўғриси, отанг иш-нинг кўзини билладиган одам. Агар отанг айтса, почкам билан одам уйини гаровга қўйишга кўнади. Фақат ўртада сен тури-шиг керак. «Умар мен билан шерикчилик қилади, икковимиз

бирга иш бошлаймиз», деб улар-га бир оғиз айтсанг, бас, ҳамма-си ҳал бўлади. Бўптими?

Бу гапни эшитиб, Хасаннинг кўнгли бироз ёришди. Дўсти унд-дан қарз сўрамоқчи эмас, аксин-ча, бирга ишлашни таклиф эта-ётган экан.

Шундан сўнг икковлон режа-ларидан Умарнинг ораси ва поч-часини хабардор қилишди. Улар-га янги очилажак чойхона-ю оли-надиган фойда ҳақида тўлиб-то-шиш гапириб беришди. Аммо Умарнинг поччаси бу гапга ишон-май Хасаннинг отасига учрашди.

— Ака, ўғлингиз билан қайни-га пул бериб турмоқчиман. Ош-хона очишмоқчи экан, шунга сиз нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим, омадла-рини берсин. Яқини ният билан иш бошлашса, ишлари юришиб кетса, ажаб эмас, — деди Хасан-нинг отаси.

Хуллас, ўртада ишонч пайдо бўлди. Аммо бу ишончининг масъ-улияти ҳам борлигини «қахра-мон»ларимиз билишармиди?

Иши ошон кўнганидан қувон-ган Умар елиб-югуриб, ҳужжат-ларни тўғрилади, гаровга қўйи-лиш лозим бўлган уйнинг ком-мунал тўловлардан анча-мунча қарзи борлигини аниқлади. Ҳатто гаров пулидан олиб, қарз-ларни ҳам тўлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Никмат

Munavvar lahzalar

DO'NO'LAB DAVOMIYLIK

Бир умр бахтли бўлишни истасанг — ҳалол одам бўл.

Билишнинг ўзи кифоя эмас, уни қўлайли билмиш керак. Истикноннинг ўзи етмайди, уни рўёбга чиқармоқ лозим.

Никоҳ одамзоғ авлодлари гавоийлигини таъмин этувчи муқаддас риштадир.

Ножўя хатти-ҳаракат гарчи вақтинча омадли кўринса-да, аммо ҳеч қачон чинакам бахт ато этмайди.

Қонун инсоний доноликнинг юсак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади.

Кишининг қалби унинг қилган ишларида акс этади.

Амир Тему́р хонадонни



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Сароймулкхоним ўз замонасининг зукко ва илгор аёлларидан бири бўлган. Маликани том маънода арбоб дейиш мумкин эди. У давлат ишларида вақти-вақти билан Соҳибқиронга доно маслаҳатлар бериб туриш қобилиятига эга салохиятли, зехни ўткир инсон сифатида қадрлидир. Саройда малика ва хонимларни бошқариш, ҳазрат Соҳибқиронга ғамхўрлик қилиш — маликанинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Салтанатда Сароймулкхонимнинг нуфузи жуда баланд эди. У ҳамма нарсадан хабардор, бамисли онадай меҳрибон аёл бўлган. Сарой маликалари ўртасида муҳит ва вазият доим унинг назоратида кечарди. У шах-

зодалар тарбияси билан шуғулланарди. Сароймулкхоним ўзи фарзанд кўрмаган эса-да, Мухаммад Султон, Шохруҳ Мирзо, Халил Султон, Улуғбек Мирзо каби шахзодаларни меҳр билан тарбиялаб воёга етказган. Шахзодалар унга худди ўз ўғилларидек, балки ундан-да ортик яқини ҳамдам эдилар. У Жаҳонгир Мирзонинг босган қадамларидан бениҳоя қувонар, валяҳд Мухаммад Султон билан фахрланарди. Шохруҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзодан ўзининг беминнат меҳрини аямади, Халил Султоннинг бошига Шодмулк тўфайли азиятлар етганда, бемисл изтироблар чеқди. «Муизз ал-ансоб»да ёзилишича, Умаршайх Мирзонинг қизи Бобо Бегим ҳам Сароймулкхоним қўлида тарбия топган. Назокат соҳибаси бўлган

ғўзал ва оқила аёл Сароймулкхоним Соҳибқиронни бағоят хурмат қилар, эъзозлар, шундай зот шабистонига шамчиғор бўла олганидан чексиз ғурурланарди. Уни хурматлаб, саройдаги улғу хонимларга бериладиган «Маҳди улё», яъни «Олий бешик соҳибаси» деб атардилар, «Катта хоним», «Катта малика», дердилар. Набиралар, келинлар, бошқа маликалар, канизаклар «Хонимойим жаноби олиялари» деб мурожаат қиларди. Агар салтанатда бирон-бир мушкуллик юз берса, муаммолар чиқса, ечишнинг уйдасидан чиқа олмаган аёллар Бибиҳонимга маслаҳат солишиб, унинг кенгашини олиб, ёрдамига суяниб ҳал қилишарди. Илоҳжиз ҳолларда Сароймулкхоним барча оғирликни ўзига олиб, Соҳибқирон ҳузур-

сентябрда Дилкушо боғида бўлган ана шундай қабул маросимларидан бири ҳақида маълумот беради.

Бибиҳоним, уни саройда шундай деб улуғлардилар, инсонпарвар, бунёдкор, толиби илмларга, маскину фақирларга ҳомий, бевабечоралар бошини силанган бир зот бўлган. Унинг ўз маблағи ҳисобига қурдирган мадраса, масжиди жомеъ, хонақоҳ ва бошқа бинолари, турфа хайрия ишлари маълумо машҳурдир.

Улуғ инсонлар ҳақида бўлганидек, Сароймулкхоним ҳақида ҳам ҳар хил ривоятлар юради. Чунончи, мадрасани қураётган меъморийнинг унга меҳри тушиб қолгани, маликанинг синамоққа рангли тухумларни унга юборгани билан боғлиқ, шунингдек, катта маликанинг одати бўйича канизаклар билан кечаси шаҳар кезиб юрганда, ухламай ўтирган толиби илмлар суҳбатини эшитгани ва уларни эртасига саройга чорлагани каби афсоналарда Бибиҳонимнинг гоётда билгичлиги кўринади. Аммо буларнинг бари ҳақиқатда ҳам тўқиб чиқарилган афсоналардир. Улар ҳеч қандай тарихий асосга эга эмас.

Муътабар тарихий манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумотлар келтирилмайдиган бўлса, уларнинг аниқлиги имкони йўқ. Уларнинг фарзандлари Соҳибқирон вафотидан хийла вақт ўтиб дунёга келган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Сароймулкхоним оқила ва сууюкли аёл экани билан Соҳибқироннинг меҳри-ю хурматини қозонганди. Лекин малика ўзининг обрў-этиборини ҳеч қачон суийистеъмол қилмасди.

Сароймулкхоним чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида Соҳибқироннинг ёнида бошқа маликаларга бош бўлиб иштирок этарди. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз сафарномасида 1404 йил 8

Кўпгина машҳур ижодкорлар ҳаётида бўлгани каби инсон руҳининг товлавнишларини гоётда теран идрок этган ва бу ҳолни ўз асарларида маълумлик билан тасвирлаб берган голланд рессоми Харменс ван Рейн Рембрандт фаолиятида ҳам гаройиб воқеалар кўп учрайди. Қуйида шулардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Garoyib olam

МУСАВВИРНИНГ антиқа ҳазили

Яқинда британиялик тасвирий санъат илхосмандларидан бири Рембрандтнинг «Катрина Хогсат портрети» асарини Амстердамнинг энг йирик музейларидан бирига 40 миллион фунт стерлингга сотгани матбуотда анча шовшувга сабаб бўлди. Тўғри, дунёнинг бошқа рессомлари асарлари ҳам қимматбахо ҳисобланади, бадавлат санъат шиновандалари бундай суратларнинг ўз уйини бешабини орзу қилишади, бунинг учун анча-мунча маблағни ҳам аяб ўтиришади. Аммо ҳамма гап шундаки, Рембрандтнинг юқорида номи келтирилган картинаси баҳоси шу пайтга қадар аукционларда савдога қўйилган энг бебаҳо картиналардан ҳам икки баравар қиммат эди!

Ҳолбуки, бетакрор ижоди билан рессомлик санъатида янги йўналишни бошлаб берган Рембрандтнинг ўзи бадастир умр кечирмаган эди. У тинимсиз ижод қилса-да, асарлари ҳамшаҳарларнинг диққатини у қадар жалб этмас, айрим илхосмандлар ҳам арзимаган пул таклиф қилишарди. Устахонаси суратга тўлиб кетган рессом эса, рўзгор харажатларига керакли маблағни қардан топишни билмай бош қотирар, шу боис баъзида биттагина асари сотилганидан ҳам хурсанд бўларди.

Ана шундай кунларнинг бирида Рембрандт пул топишнинг антиқа «йўл»ини ўйлаб топади. У кунлардан бир кун олдиндан ҳаммага овоза қилиб, сафарга отланади. Сўраганларга ўзининг маълум вақтга Амстердамдан чиқиб кетаётганини айтади. Бундан унчалик ажабланмаган кўни-қўшни, таниш-билишлар рессомга оқ йўл тилаб қолишади. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, қутилмаган тарқалган ноҳус хабар барчани доводиратиб қўяди: нима эмиш, Рембрандт сафар чоғида фалокат босиб вафот этибди! Буни юзкўздан гапга ботгани яққол кўришиб турган, бошдан-оёқ қораридога — аза кийими-га ўраниб олган рессомнинг хотини ҳам маъюслик билан тасдиқлайди. Барча рессомнинг бевақт вафоти ачинади, албатта.

Эн қизиги, рессомнинг хавотирлари асоссиз бўлиб чиқадди. Биронта ҳам амстердамлик сотиб олган суратлик қайтариб беришни истамайди, аксинча, улар рессомни соғ-саломат кўришганидан хурсанд бўлишади. Шу тарихи рессомнинг тирикчилик ваҳидан қилган хийласи нафақат унинг оиласини очлик ташвишидан қутқаради, балки ўша бағрикенг кўни-қўшнилар сотиб олган суратлар вақт ўтиб гоётда қимматбахо асарлар сифатида мўмай даромад ҳам келтиради.

Ҳа, буюк инсонларнинг ҳазиллари ҳам ўзига хос бўларкан. Шу маънода Рембрандтнинг тутган йўлини бугун унинг муҳлислари бегараз ҳазил сифатида қулиб эслайдилар.

Ақбар РАЖАБОВ тайёрлади.

(Давоми бор)

Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Ehtiyot bo'ling, firibgar!

Эгри йўлнинг адоғи

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Гаров шарти — бир ой ичида пулни эгасига қайтариш керак эди. Аммо орадан икки ой ўтиб кетди ҳамки, на фоизлар ва на очилажак охинонадан дарақ бўлди. Сабаби — чўнтагига пул киргач, икки шерик аниқ бир ишни бошини тутиш ўрнига тараллабедод қилиб юраверишди. Устига-устак улар фирибгарликка ҳам қўл уришди. Аниқроқ айтганда, шериклар Х.Назирова деган аёлдан «300 АҚШ доллари берамиз», деган ваъда билан 420 минг сўм олишди-ю, сўнг қораларини кўрсатмай кетишди.

Бу орада уларнинг иши юришиб кетишини кутавериб чарчаган опа билан почча ҳам Ҳасаннинг отаси ёнига бир эмас, бир неча марта боришди. — Амаки, ўғлингизга ишониб, уйимизни гаровга қўйдик. Пуллари олгани ҳақида, мана, Ҳасаннинг тилхати ҳам бор. Аммо айтилган муддат ўтиб кетаяпти. Биз ҳали бир тийин олганимиз йўқ, — деб тикчиллик қилаверишган, Ҳасаннинг отаси аввалига уларга 2000 АҚШ доллари бериб ҳам юборди. Аммо почча билан опа яна пул сўраб келганда, у тутаклиб кетди.

— Бу пулни фақат менинг ўғлим ўзи учун олмаган-ку! Қани, менга телефонингизни беринг. Умарнинг ўзи билан гаплашиб, бу масалани ойдинлаштириб олай.

Отaxon жаҳл билан Умарга телефон қилди. Умар эса поччасининг хонадонидagi коммунал хизматлар учун 1.250.000 сўм тўлашга мажбур бўлганини айтиди-ю, хайр-маъзури насия қилганча, телефонни ўчириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, харидор Умарга поччасининг олдида коммунал тўловлар учун 1.250.000 сўм, уйни Абдулла исми шахс номига расмийлаштириш учун эса, 10.000 АҚШ доллари берди. Ўз навбатида, Умар поччасига шипшиди: — Энди бу одамга олган пулни ўз вақтида қилиб бермасам, уйимни сизники, деб тилхат ёзиб беринг...

қаради: — Аммо менинг уйим олган кредитим учун гаровга қўйилган-ку?! — Бунинг қизиги йўқ, сиз ёзиб бераверинг, — деб кистади Умар. Хуллас, уйнинг ҳужжатлари тайёр бўлгач, олди-сотди шартномаси расмийлаштирилиб, келишилган гаров пули — 10.000 доллар уларга берилди.

Аммо гувоҳи бўлганингиздек, фирибгарларнинг «уйини»дан иборат бўлган ушбу томоша узоққа чўзилмади. Хуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан Умар ва Ҳасаннинг устидан жиноий иш кўзгатилгач, ҳар иккала устомон содир этган қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришдан бошқа илож топмади.

Суд Умар Илхомовни Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «в» банди, 168-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбдор, деб топиб, ойлук иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади. Фирибгарликда бошидан охиригача Умар Илхомов билан шериклик қилиб келган Ҳасан Норов ҳам Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди. Ҳамтовоқларнинг фириб тўрига илиниб қолган жабрланувчи Т.Бобоёров фойдасига эса, айбланувчилардан 7.206.720 сўм миқдоридagi зарар солидар тартибда ундириб берилди.

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, қаноат билан яшаш, ҳалол меҳнат қилиш каби фазилятлар инсонни улғулайди. Кингир иш эса, асло эзгулик келтирмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. **Муҳиддин ХОЛМОНОВ,** жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг раиси **Дилфуза КҮЗИЕВА,** журналист

Universalbank advertisement featuring a Visa Classic credit card and text in Uzbek. The ad includes the bank logo, a Visa Classic card image, and promotional text about the benefits of the card, such as ease of use and no geographical restrictions. It also provides contact information for the Tashkent branch, including the address, phone numbers, and website.

Куч—АДОЛАТДА МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ. Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Бўритош МУСТАФОЕВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Мухаммад АЛИ Омонбой ОКЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЙОНОВА, Шоюнус ФОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ.

Навбатчи муҳаррир: Отабек САФАРОВ, Саҳифадовчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ. Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилы: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56.